

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПОЛВОНОВ КОЗИМБЕК НАИМОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ШАҲАРЛАРНИНГ  
ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ  
(1970-2016 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD)  
on historical sciences**

**Полвонов Козимбек Наимович**

Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожланиши тарихи  
(1970-2016 йй.) ..... 3

**Полвонов Козимбек Наимович**

История создания и развития городов в Кашкадарьинской области  
(1970-2016 гг.) ..... 23

**Polvonov Kozimbek Naimovich**

History of establishment and development of cities in Kashkadarya region  
(1970-2016) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПОЛВОНОВ КОЗИМБЕК НАИМОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ШАҲАРЛАРНИНГ  
ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ  
(1970-2016 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tar326 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.terసు.uz](http://www.terసు.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қобулов Эшболта Отамуродович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги**  
**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино, 4-қават. Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй). Тел/факс: 0 376 221-76-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Н. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор.

**Ҳ.Э. Холмўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.н., доцент.

**Ш.Б. Шайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда илм-фан тараққиёти урбанизация жараёнларини ҳам тезлаштириб, шаҳарларнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун янги имкониятларни яратмоқда. БМТ томонидан дунёнинг турли минтақаларидаги шаҳарларни ривожлантириш борасида узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур ташкилот томонидан шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини ривожлантириш мақсадида турли дастурлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Дастурларда янги ва тарихий шаҳарлар экологияси, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, шаҳар инфратузилмаси ва урбанизация муаммоларини ҳал этиш масалаларининг ечими кўрсатилганлиги жаҳон тарихшунослигида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунёдаги етакчи илмий марказлар ва университетларда урбанизация масалаларига қаратилган тадқиқотлар, хусусан, қадимги ва замонавий шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳамда ривожланиш тарихига бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда, шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ илмий ишлар янада кўпаймоқда. Сўнгги йилларда шаҳарлар тараққиётидаги жараёнлар ва улардаги ўзгаришлар турли даврлар кесимида таққосланиб, бу йўналишдаги тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда шаҳарларни ривожлантиришда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, янгича ёндашган ҳолда урбанизация масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак»<sup>1</sup>. Бу борада бугунги кунда республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтаётган Қашқадарё вилояти шаҳарларининг ташкил этилиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараён, шунингдек, вилоятдаги шаҳарларнинг тараққиёт йўли ва муаммоларини ёритиш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3635-сон «Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳани ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга оид тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Совет даврида яратилган адабиётлар.
2. Мустақиллик даври нашрлари.
3. Хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари.

Совет даврида Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари тарихига бағишланган катор ишлар<sup>2</sup> нашр қилиниб, уларда Қашқадарё воҳасида XX асрнинг 70-80 йилларида ташкил этилган шаҳарлар ҳақида ҳам умумий маълумотлар берилди. Бу даврда шаҳарлар тарихини ўрганишга доир кўплаб диссертация ишлари<sup>3</sup> ҳимоя қилинган бўлса-да, ушбу тадқиқотлар Қашқадарё вилояти шаҳарлари тарихи билан боғланмаган.

Бу даврда яратилган айрим ишларда Қашқадарё воҳаси шаҳарлари тарихи тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Ушбу тадқиқотларда воҳанинг қадимий кентлари – Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тарихини янги тамойиллар асосида, миллий давлатчилик нуқтаи назаридан ҳолисона тадқиқ этилган ишлар<sup>5</sup> юзага келди. Муайян даврлар кесимида турли шаҳарлар

---

<sup>2</sup> Аҳмедов Э.А., Фатахов Е.Н. Новые города Узбекистана. –Ташкент: Узбекистан, 1972. – 120 с.; Зухритдинов Ш.А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – 128 с.; Аҳмедов Э., Тешабоев М. Новые города Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1984. – 168.; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 210 б.; Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари: шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 104 б. ва бошқалар.

<sup>3</sup> Тайлаков М. История города Каттакургана (1946-1965 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1972. – 45 с.; Аликулов М. История развития социалистического города Термеза (1946-1975 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1979. – 24 с.; Нурмухамедов Х.У. История развития социалистического города Андижана (1917-конец 50-х годов). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – 24 с.; Рахматуллаева Н.Г. Развитие социалистического Ташкента (в первой половине 60-х годов). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1983. – 19 с.; Зухритдинов Ш.А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1984. – 41 с.; Турсунов С.Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана - Денау и Шерабада. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1985. – 20 с.; Туляганов Н.У. Становление и развитие движения породненных городов в Узбекистане (1961-1985 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1988. – 24 с.; Гайибназаров Э. История развития города Гулистана. (1960-1970-е годы). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1989. – 23 с. ва бошқалар.

<sup>4</sup> Эшқувватов О. История развития социалистических городов Карши и Шаҳрисабза (1925-1965 гг.). Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1970. – 313 с.; Захаров С.М., Собиржонов А.С. Карши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – 56 б.; Захаров С.М., Хикматов Н.Х. Шаҳрисабз. – Ташкент: Узбекистан, 1979. – 64 с.

<sup>5</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 224 б.; Зиёева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент: Yangi nashr, 2013. – 338 б.; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015. – 336 б.; Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017. – 250 б.; Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти. Коллектив монография (Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Зияева). – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 286 б. Тўхтабоева Д. Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2018. – 184 б.

тарихи билан боғлиқ кўплаб диссертация ишлари ҳам бажарилди<sup>6</sup>. Аммо, мазкур ишлар кўп ҳолларда ўрганилаётган давр воҳа шаҳарлари тарихи билан боғланмайди.

Бу даврда Қашқадарё вилояти, унинг айрим туман ва қишлоқлари қисқача тарихини акс эттирган рисолалар юзага келди<sup>7</sup>. Ушбу рисолаларда вилоят шаҳарлари ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар умумлаштирилди.

Мустақиллик туфайли Ватанимизнинг энг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги 2002 йилнинг ноябрида, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги 2006 йил октябрида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида кенг нишонланди. Шу муносабат билан халқаро конференциялар ўтказилиб, илмий тўпламлар<sup>8</sup> ҳамда кўплаб асарлар ва рисолалар чоп этилди<sup>9</sup>. Бу ишларда янги изланишлар таҳлил қилинган, кўп йиллик тадқиқотлар умумлаштирилиб, қимматли фикр-мулоҳазалар берилган.

---

<sup>6</sup> Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргунь и Шурчи). (1971-1990 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 26 с.; Қаршиев Р.И. Навоий шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиёти: тажриба ва муаммолар. (1958-1990 йй.). Тарих фан. ном. илмий даража. олиш учун ёзилган дисс. – Андижон, 1996. – 147 б.; Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фан. док. илмий даража. олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2000. – 342 б.; Раҳматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 34 с.; Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тарих фан. док. илмий даража. олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2008. – 292 б.; Ҳасанов А.М. XVI-XIX асрларда шаҳарсозлик ва меъморчилик (Қашқадарё воҳаси мисолида). Тарих фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент, 2008. – 26 б. Мансуров У.У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 45 б.; Насиров Б.У. Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 58 б.; Эштемиров Ж.С. XX-XXI аср бошларида Қарши шаҳар маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 48 б.; Тўхтабоева Д.Э. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991-2016 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 45 б.; Ирискулов О.Ж. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – 50 б. ва бошқалар.

<sup>7</sup> Ҳикматов И., Яхшибоев Ж. Қўриқда гуллаган Нишон (Нишон туманининг қисқача тарихи). Янги Нишон шаҳри, 1995. – 19 б.; Фармонов М. Мангу ёниқ чирок. – Қарши: Насаф, 1996. – 84 б.; Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани. – Тошкент: Фан, 1996. – 164 б.; Мухамедов Н. Косон: тарих саҳифалари. – Қарши: Насаф, 1997. – 163 б.; Ғофуров Ғ., Шоймардонов И., Тўхлиев Ж. Яққабоғ тумани. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 192 б.; Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000. – 152 б.; Шу муаллиф: Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2005. – 192 б.; Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 48 б.; Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-89 йиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 176 б.; Нуриддинов Ҳ. Ғузурда таълим. – Қарши: Насаф, 2009. – 124 б.; Шу муаллиф: Ғузурнома. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – 192 б.; Шу муаллиф: Ғузурликлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 352 б.; Маматқулов Б., Шарипова М. Нишон туманининг совет мустамлакачилиги йилларидаги аҳволи (саноатлаштириш сиёсати мисолида). Тошкент, 2012. – 108 б.; Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. – 296 б.; Боймиров Т., Бойқобилов Ў. Қамаши ва қамашилиқлар. Қамаши тумани ўтмиши ва бугуни ҳақида очерк, эссе ва лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 288 б.

<sup>8</sup> Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни // Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. – 161 б.; Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни // Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Фан, 2006. – 266 б.

<sup>9</sup> Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси. Альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 228 б.; Қарши-2700. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 160 б.; Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006. – 184 б.; Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 647 б.

Шунингдек, айрим хорижлик тадқиқотчиларнинг ишлари ҳам шаҳарлар тарихига бағишланган бўлиб, уларда Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри тарихига оид иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар<sup>10</sup> ҳамда Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарлар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>.

Умуман, танланган мавзу шу кунга қадар махсус диссертациявий тадқиқот сифатида ўрганилмаган ва илмий муомалага киритилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф8-002 «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1970-2016 йилларда Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил этилиши ва ривожланиш йўналишларини тарихий аспектда очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожлантирилишига қаратилган асосий тадбирлар, уларнинг моҳиятини очиқ бериш;

воҳа шаҳарлари демографияси ва классификациясидаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

совет даврида шаҳарлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича амалга оширилган тадбирларни аниқлаш;

шаҳарлардаги ижтимоий ҳаёт ва унинг муаммоларини кўрсатиб бериш;

вилоят шаҳарларида халқ таълими ва маданий ҳаёт соҳасининг йўлга қўйилишини очиқ бериш;

мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларида амалга оширилган иқтисодий ислохотларни ёритиш;

шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг модернизацияси ва ривожланиш тенденцияларини кўрсатиш;

мустақиллик шароитида шаҳарлар халқ таълими тизимидаги ўзгаришлар ва маданий соҳани ривожлантириш омилларини очиқ бериш;

ўрганилган масалалар юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилоятидаги жами 10 та шаҳарларнинг 1970-2016 йиллардаги тарихий-урбанистик трансформацияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларнинг ташкил топиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, таълим ва маданият соҳасини тизимли таҳлил этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмийлик ва тарихийлик тамойилига асосланиб, ретроспектив, тизимли ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

---

<sup>10</sup> Jeff Sahadeo. Russian Colonial society in Tashkent, 1865-1923. – Ottawa, 2007. – 316 p.; Stronski Paul. Tashkent: forging a Soviet city, 1930-1966. – Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2010. – 368 p.

<sup>11</sup> Klaus Pander. Zentralasien. – Ostfildern: DuMont Reiseverlag, 2013. – 384 p.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятида нефть-газ конларининг топилиши ва Қарши чўлининг ўзлаштирилиши натижасида саноатнинг ривожланиши ҳамда кўплаб турар-жойлар, маъмурий, маиший ва маданий объектларнинг қурилиши ва ишга туширилиши воҳадаги Китоб, Яккабоғ, Ғузор, Қамаш, Чирокчи, Косон, Муборак, Бешкент, Янги Нишон ва Талимаржон шаҳарларининг шаклланишига сабаб бўлганлиги очиқ берилган;

собиқ совет даврида вилоят шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-маиший турмуш тарзига етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва шарт-шароитлар яратилмаганлиги оқибатида Косон, Бешкент ва Чирокчи шаҳарларида ер-участка танқислиги юзага келганлиги, тиббий ва маиший хизмат соҳаларининг эса паст даражада бўлганлиги архив ҳужжатлари асосида аниқланган;

собиқ совет даврида воҳа шаҳарлари таълим тизимини яхшилашга ҳаракат қилинса-да, бу борада кўплаб муаммолар тўпланиб борганлиги, бу айниқса, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустақамлаш жараёнида яққол кўзга ташланганлиги, маънавий-маърифий тадбирларнинг сустлиги ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик кўрсаткичи ортиб боришига сабаб бўлганлиги далилланган;

мустақиллик йилларида шаҳарсозлик борасидаги ислохотлар натижасида аҳолининг ижтимоий-касбий ва демографик таркиби, маданияти, турмуш тарзининг тубдан ўзгариб борганлиги ҳамда урбанизация даражасининг кўтарилганлиги, шаҳар маданият бўлимларида фольклор ва халқ ансамбллари ташкил этилиб, ўзбек халқ оғзаки ижодини тарғиб этиш тадбирлари олиб борилганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ярим аср мобайнида Қашқадарё вилояти шаҳарлари классификациясида ўзгаришлар юз берганлиги аниқланган;

Қашқадарё воҳаси шаҳарлари ривожидида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этганлиги очиқ берилган;

ислохотлар натижасида Қашқадарё вилояти шаҳарларида таълим тизимида ўзгаришлар рўй бериб мактаб ва лицей-интернат ўқувчилари вилоят, республика ва хориж давлатларида ўтказилган мусобақаларда муносиб иштирок этгани ҳамда совринли ўринларни қўлга киритганлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги 7 та давлат архивларининг 27 та жамғармаларида сақланаётган ҳужжатларга асосланганлиги, «оғзаки тарих» услуги орқали олинган ва адабиётларда келтирилган маълумотлардан ўринли фойдаланилганлиги, диссертация маълумотлари амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, шаҳарларни ривожлантириш ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий базасини

такомиллаштириш, шаҳар тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон тарихи дарслиги бўйича ўқув қўлланмалар ёзилганда, тарих йўналиши талабаларига махсус курс, семинар машғулотларини ўтказишда амалий жиҳатдан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожланиши (1970-2016 йй.) тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

совет даврида Қашқадарё вилоятида қазилма бойликларнинг топилиши ва Қарши чўлининг ўзлаштирилиши натижасида саноатнинг ривожланиши ҳамда қўплаб объектларнинг қурилиши янги шаҳарларнинг шаклланишига сабаб бўлганлиги ҳамда воҳа шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-маиший турмуш тарзига етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва шарт-шароитлар яратилмаганлигига оид натижаларидан ОТ-Ф8-211 рақамли «XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3604-сон маълумотномаси). Бу эса шаҳарлар тарихи Ватан тарихининг ажралмас бир қисми эканлигини, вилоят шаҳарлари шаклланишида иқтисодий омиллар етакчи ўрин тутганлигини ҳамда шаҳарларнинг ижтимоий ҳаёти ва муаммоларини ёритиб бериш имконини берган;

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарсозлик борасидаги ислохотлар натижасида аҳолининг ижтимоий-касбий ва демографик таркиби, маданияти, турмуш тарзининг тубдан ўзгариб борганлиги ҳамда урбанизация даражаси юқорилаб кетиши Қашқадарё вилояти шаҳарлари мисолида кўрсатиб берилганлигига оид натижаларидан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 89-03-4699-сон маълумотномаси). Натижада бу мустақиллик йилларида воҳа шаҳарларидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар моҳиятини асослаб бериш имконини берган;

мустақиллик йилларида вилоят шаҳарларида иқтисодий ривожланиш шаҳар аҳолиси ижтимоий ҳаётида ўз аксини топганлиги ҳамда шаҳар маданият бўлимларида фольклор ва халқ ансамбллари ташкил этилиб, ўзбек халқ оғзаки ижодини тарғиб этиш тадбирлари олиб борилганлигига оид натижаларидан «O‘zbekiston tarixi» телеканалда намойиш этилган «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston teleradiokanali» давлат унитар корхонасининг 2021 йил 15 апрелдаги 02-40-567-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув орқали тадқиқотчининг Қашқадарё воҳасидаги замонавий урбанизация жараёнлари ва шаҳарсозлик тарихи ҳақидаги илмий-назарий фикр-мулоҳазалари ёритиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қашқадарё вилоятида урбанизация жараёнлари (1970-2016 йиллар)**» деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфида* Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожланишига қаратилган асосий тадбирлар, уларнинг моҳияти очиқ берилган.

Ўзбекистонда совет даврида районлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида (1926 йил 29 сентябрда) туманлар ташкил қилиниб<sup>12</sup>, қатор аҳоли пунктлари туман марказлари сифатида эътироф этилди. Бироқ, айрим туманларни ташкил этиш ва туман марказларини белгилашдаги ёндашувлар ҳамиша ҳам тўғри бўлмай, кейинчалик улар тузатиб борилди.

XX асрнинг 50-60 йилларида Қашқадарё вилоятининг Муборак ҳудудидан газ конлари топилди<sup>13</sup>, газни қайта ишлаш заводи қурила бошлади<sup>14</sup> ҳамда соҳа ходимлари учун янги турар-жойлар бунёд этишга киришилди. Муборакдаги бу каби тадбирлар унинг ривожлана боришида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш борасидаги тадбирлар ҳам аҳоли масканлари қиёфасига ўзгаришлар киритди. Бунга Қарши чўлининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ жараён мисол бўла олади. Совет ҳукуматининг 1963 йил 1 августдаги «Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш

<sup>12</sup> Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – Б. 195.

<sup>13</sup> Жўракулов О. Қудратли энергия манбаи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 86.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 106.

тўғрисида»ги Қарори<sup>15</sup>дан сўнг, кенг кўламда чўл ўзлаштирилиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятда янги ерлар очилди, шу жойларда кўрик туман ва ўнлаб янги хўжаликлар тузилди. Жумладан, 1975 йилда Нишон тумани<sup>16</sup> ташкил этилди, Янги Нишон ва Талимаржон аҳоли пунктларининг киефаси ўзгарди.

1972 йил 24 февралда «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал бўлиниши борасидаги айрим масалаларни ҳал этишдаги қонун-қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қарор<sup>17</sup>га кўра аҳоли масканларига шаҳар мақомини бериш учун зарур бўлган демографик меъёрнинг 10 мингдан 7 минг кишига туширилиши ҳам шаҳарлар сонининг ошиб боришига таъсир кўрсатган асосий омиллардан бири бўлди.

Умуман, юқоридаги тадбирлар натижасида 1972-1982 йилларда Қашқадарё вилоятидаги Косон, Муборак, Талимаржон, Китоб, Ғузор, Бешкент, Қамаш, Яккабоғ, Чироқчи ва Янги Нишон<sup>18</sup> аҳоли масканларига шаҳар мақоми берилди. 1970 йилдан 1985 йилгача бўлган жуда қисқа вақт ичида республика харитасида 81 та<sup>19</sup>, жумладан Қашқадарё вилоятида 10 та янги шаҳар ташкил топди ва бу урбанизация жараёнининг «биринчи тўлқини» даври бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарларини ҳар томонлама ривожланишида муайян тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилди. Туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига раҳбарликни такомиллаштириш, корхоналар ва хўжаликларнинг алоқаларини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратини қисқартириб, бюджет харажатларини камайтириш мақсадида шаҳарларнинг маъмурий-бошқарув тизимида ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 1993 йилда Қашқадарё вилоятидаги Бешкент, Талимаржон, Чироқчи, Яккабоғ, Янги Нишон, Қамаш, Ғузор шаҳарлари бошқаруви ўзлари бўйсунадиган туман ҳокимликлари билан бирлаштирилди. 1994 йилда вилоятга бўйсунувчи Китоб, Косон ва Муборак шаҳарлари туманга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига ўтказилди<sup>20</sup>. 2004 йилдан Талимаржон шаҳар ҳокими Нишон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлди<sup>21</sup>.

Шаҳарларни яшаш учун қулай масканларга айлантириш, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, аҳоли пунктларини режали қуриш ва шаҳарсозлик соҳасини халқаро даражага кўтариш мақсадида шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилди. 2006-2018 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятидаги Китоб, Косон, Муборак, Чироқчи, Яккабоғ, Қамаш ва Ғузор шаҳарларининг бош режалари ижроси таъминланди<sup>22</sup>.

<sup>15</sup> Худойкулов М. Қарши чўли. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 29.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (бундан кейин – Ўз МА), Р-2454-жамғарма, 6-рўйхат, 2826-иш, 67-варақ.

<sup>17</sup> Аҳмедов Э., Тешабаев М. Новые города Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 146.

<sup>18</sup> Ўз МА, Р-2454-жамғарма, 6-рўйхат, 4808-иш, 34-варақ.

<sup>19</sup> Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 10.

<sup>20</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви (бундан кейин - ҚВХА), 829-жамғарма, 1-рўйхат, 87-иш, 58-варақ.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Худудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2004. – №13. – Б. 11.

<sup>22</sup> Қашқадарё вилоят Қурилиш бош бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

Республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши, қишлоқларга шаҳар маданиятини олиб кириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш мақсадида 2009 йилда республикадаги 965 та, шу жумладан, Қашқадарё вилоятидаги 118 та<sup>23</sup> қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақомининг берилиши урбанизация даражасининг юқорилаб кетишига сабаб бўлди ва бу урбанизация жараёнининг «иккинчи тўлқини» даври бўлди. Айни пайтда (2016 й.) республикада урбанизация даражаси 50,6 фоизни, вилоятда эса 42,9 фоизни ташкил этади<sup>24</sup>.

Ушбу бобнинг *иккинчи параграфида* 1970-2016 йилларда шаҳарлар демографияси ва классификациясидаги ўзгаришлар статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Вилоятда Қарши чўлини ўзлаштирилиши натижасида пахтачилик майдонлари кенгайиб, завод ва фабрикаларнинг қурилиши ишчи-кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. Ана шу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонга совет давлатининг марказий ҳудудларидан «мутахасислар»нинг кўчирилиб келтирилиши<sup>25</sup> ва вилоятнинг тоғли ҳудудларидан аҳолининг Қарши чўлига кўчирилиши ҳамда табиий кўпайиш шаҳарлар аҳолиси сонининг ортишига сабаб бўлди.

Статистик маълумотлардан маълум бўлишича, Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолиси кўпайиб борган. 1989 йилда кўриб чиқилаётган шаҳарларда жами аҳоли 184 минг 743 кишини ташкил этиб, вилоят аҳолисининг 8,6 фоизи, 2015 йилда эса мазкур шаҳарларнинг жами аҳолиси 302 минг 003 кишига етиб, вилоят аҳолисининг 9,7 фоизи истиқомат қилди<sup>26</sup>.

Тадқиқот йилларида вилоят шаҳарлари аҳолиси сони бир-биридан фарқ қилиб, бу борада Косон ва Китоб шаҳарлари етакчи мавқиени эгаллаган. Аксинча, Янги Нишон ва Талимаржон шаҳарлари аҳоли сонининг камлиги билан ажралиб турган. 1989 йилда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилган бўлиб, аҳоли сонининг кўплиги жиҳатидан Косон (40 680) ва Китоб (28 566) шаҳарлари устун бўлса, Янги Нишон (7 471) ва Талимаржон (6 712) шаҳарлари аҳолиси сони кам эди<sup>27</sup>. Шаҳарлар аҳолисининг жинс таркиби ҳам турлича кўринишда бўлиб, аҳоли сонидан эркакларнинг улуши ортиб борди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ вилоят шаҳарлари аҳолисида шу нарса кузатилди-ки, шаҳарларда яшовчи русийзабон аҳоли сони салмоқли бўлиб, Иттифоқ парчалангач, уларнинг кўпчилиги тарихий ватанларига кўчиб кетдилар, натижада шаҳарлар аҳолисида камайиш кузатилди<sup>28</sup>. Кейинги йилларда шаҳарлар аҳолиси кўпайиб борган.

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2009. – №12. – Б. 7-8.

<sup>24</sup> Келтирилган маълумотлар Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг 2003-2016 йиллар, 2017 йилдаги берган маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилди.

<sup>25</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 123.

<sup>26</sup> Маълумотлар Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг 2003-2016 йиллар, 2017 йилдаги берган маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилди.

<sup>27</sup> Перепись населения. – Ташкент, 1991. – С. 33-35.

<sup>28</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – Б. 207.

Шаҳарлар аҳоли сонига кўра тоифаларга ажратилиб, классификация қилинади. 1970-2016 йилларда шаҳарлар тоифасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Ўтган 45 йилдан зиёдроқ давр мобайнида аҳолиси 50 минггача бўлган (майда – 10 минггача, кичик – 10-20 минггача ва «ярим ўрта» – 20-50 минггача) шаҳарлар 1 тадан 10 тага кўпайди. Аҳолиси 50-100 минггача бўлган ўрта шаҳарлар (1 та) ўзгаришсиз қолди. Катта (аҳоли сони 100-250 минггача) ва йирик (аҳоли сони 250-500 минггача) шаҳарлар аввал бўлмагани ҳолда, бугунги кунда Шаҳрисабз – катта, Қарши – йирик шаҳарлар туркумига киради<sup>29</sup>. Айни пайтда (2016 й.) Қашқадарё вилояти шаҳарлари таркибининг асосий қисмини кичик ва ўрта шаҳарлар эгаллайди, бу шаҳарларнинг барчаси туманга бўйсунувчи шаҳарлар бўлиб ҳисобланади.

**«Совет даврида шаҳарлар ривожининг йўналишлари ва муаммолари (1970-1990 йиллар)»** номли иккинчи бобнинг *биринчи параграфида* вилоят шаҳарлари иқтисодийетини ривожлантириш тадбирлари таҳлил қилинган. Қашқадарё вилояти шаҳарларида янги саноат корхоналари барпо этилиб, иқтисодийетнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Хусусан, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатининг йирик корхонаси – Муборак газни қайта ишлаш заводи 1971 йил 31 декабрда ишга туширилди ва унинг умумий қуввати ошириб борилди<sup>30</sup>. Муборакда биргина 1988 йилда нефть ва газ саноати корхоналарида олинган соф фойда 14 млн сўмни, 1989 йилда эса 17.5 млн сўмни ташкил этди<sup>31</sup>.

Совет даврида вилоят шаҳарларида пахта тозалаш заводлари барпо этилиб, ишга туширилди. Заводларнинг асосий маҳсулоти пахта толаси бўлиб, вилоят бўйича 1970 йилда 76.4 минг, 1990 йилда эса 173.1 минг тонна тола ишлаб чиқарилиб, маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинди<sup>32</sup>.

Вилоятдаги энг йирик заводлардан бири Косон шаҳрида жойлашган ёғ заводи бўлиб, завод 1982 йилдан иш бошлади. Аммо, заводнинг бир меъёрда ишлаши учун шароит яратилмаган. Хом-ашё етказиб беришдаги муаммолар, капитал ва жорий таъмирнинг чўзилиб кетиши заводнинг тўла қувват билан ишлашига тўсқинлик қилди. 1982 йили Косон ёғ заводининг ишлаб чиқариш режаси 33.3 фоизга, 1983 йилда 28.4 фоизга бажарилган, холос. 1982-1986 йилларда завод 13 миллиондан кўпроқ зарар кўрган<sup>33</sup>.

Шаҳарларда қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган завод ва корхоналар, гилам тўқиш цехлари ва ип-газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрикалар ташкил этилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши савдо-сотиқнинг ривожланишига туртки бўлди.

Савдонинг ривожланиши ўз ўрнида бозор тармоғининг кенгайишини тақозо этди. Шаҳар марказларида бозорлар қурилиб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қилди. Масалан, 1982 йили Янги Нишон шаҳрида,

<sup>29</sup> Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг 2000-2018 йиллар, 2019 йилдаги берган маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилди.

<sup>30</sup> Жўракулов О. Қудратли энергия манбаи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 179.

<sup>31</sup> ҚВХА, 767-жамғарма, 4-рўйхат, 54-иш, 10-варақ.

<sup>32</sup> Қашқадарё вилояти географияси. – Қарши, 1994. – Б. 120.

<sup>33</sup> Косон туман давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 212-иш, 71-варақ.

1983 йилда Бешкент ва Яккабоғ шаҳарларида<sup>34</sup> ва 1988 йил Қамашини шаҳрида бозор қурилди<sup>35</sup>. Аммо, Бешкент шаҳридаги бозор қурилишида тарихий тамойилга эътибор берилмади ва бу ҳолат аҳоли учун ноқулайлик туғдирди.

Совет даврининг сўнгги йилларида кўпгина шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш технологиялари етишмаслиги туфайли асосий ишлар қўлда бажарилди. Хом-ашё ўз вақтида етказиб берилмади, маҳсулотлар сифатсиз тайёрланди ва иқтисодий таназзул кузатилди.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* шаҳарларда ижтимоий ҳаёт ва унинг муаммолари таҳлил қилинган.

Бу даврда Қашқадарё вилояти шаҳарларида янги турар-жой бинолари қурилади. Талимаржон ва Янги Нишон шаҳарларидаги уйлар асосан икки қаватли<sup>36</sup> бўлса, Муборак шаҳрида 4 қаватли, 40 квартиралар уйлар қурилди<sup>37</sup>. Манбаларга кўра, шаҳарлардаги турар-жой бинолари қурилиши аҳоли талабини тўла қондирмаган<sup>38</sup>. Шаҳарларда уй-жойлар билан бирга янги йўллар ҳам қурилди, бунинг учун махсус ташкилотлар тузилди.

Архив манбаларида келтирилишича, шаҳарларда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари сони йилдан-йилга ортиб борди. Аммо, маиший хизмат корхоналари ҳар доим ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттира олмади. Ходимларга етарли шарт-шароитларнинг яратилмаганлиги, зарур материаллар билан ўз вақтида таъминланмаганлиги, кадрлар қўнимсизлиги режаларнинг бажарилишига тўсқинлик қилди ва хизмат кўрсатиш шахобчалари ёпиб ташланди. Масалан, Қамашини шаҳрида кийим-кечакларни кимёвий тозалаш пункти 1978 йили, Бешкент шаҳрида 1984 йили, Косон шаҳрида 1985 йили<sup>39</sup> юқоридаги сабаблар туфайли ёпиб қўйилган.

Шаҳарларни ободонлаштиришга ажратилган маблағлар миқдори йилдан-йилга оширилиб борилди. Деярли барча шаҳарларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини хотирлаш учун ёдгорликлар ўрнатилди. Масалан, 1976 йил Бешкентда Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган 1680 жангчи хотираси учун мармар лавҳа ҳамда «Номаълум солдат» ёдгорлиги ўрнатилди<sup>40</sup>. Ободончилик масаласида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлди. Шаҳар кўчаларида экилган дарахтлар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, эътибор бўлмади. Шаҳарларни тозалаш ва ободонлаштириш учун коммунал хўжалик бўлимлари ташкил қилинган. Аммо, коммунал хўжаликларидан транспорт воситалари етишмади, шу сабабли шаҳарларда тозалаш ишлари етарли даражада ташкил қилинмаган<sup>41</sup>.

<sup>34</sup> ҚВХА, 8-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 104-варақ.

<sup>35</sup> Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-89 йиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 92.

<sup>36</sup> Дала ёзувлари: 2016 йил, январь. Ахборотчи Муракаев Рубик. 1944 йилда туғилган. Қарши шаҳри.

<sup>37</sup> Эсонов Э. Интернационал оилада // Дўстлик байроғи, 1988 йил 5 апрель. №17 (3255).

<sup>38</sup> Қарши туман давлат архиви, 320-жамғарма, 1-рўйхат, 135-иш, 33-варақ.

<sup>39</sup> Косон туман давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 192-иш, 50-варақ.

<sup>40</sup> Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000. – Б. 70.

<sup>41</sup> Шаҳрисабз туман давлат архиви, 477-жамғарма, 1-рўйхат, 63-иш, 15-варақ.

XX асрнинг 70-80 йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларида соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга ҳаракат қилинди. Шаҳарларда йиллар давомида соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Соҳада ютуқлар билан бирга қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд эди. Шаҳарларда ишга туширилган марказий касалхоналар кўп ҳолларда эски биноларнинг тиббиётга мослаштирилган биноларида фаолият кўрсатди, соҳада кадрлар етишмади<sup>42</sup>. Марказий шифохоналарнинг болалар, туғруқ бўлимларидаги аҳвол ачинарли бўлиб, санитария қоидаларига зид бўлган.

Вилоят шаҳарларида жиноятчилик, ишсизлар сони ортиб борди. 1990 йилда Қамаша шаҳрида 3407 киши, Ғузур шаҳрида 3 минг киши ишсиз эди<sup>43</sup>. Умуман, ўша йили вилоятда 70 мингга яқин ишсиз қайд этилган<sup>44</sup>.

Мазкур бобнинг *учинчи параграфида* халқ таълими ва маданият соҳасидаги ҳолат таҳлил этилган.

XX асрнинг 70-80 йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларида мактабгача таълим муассасалари миқдори ва улардаги тарбияланувчилар сони ортиб борди. Масалан, Косон шаҳрида 1972 йилда 2 та болалар боғчасида 310 нафар болалар тарбияланган бўлса, 1989 йилда боғчалар сони кўпайиб, 12 тага етказилди ҳамда 2 455 нафар болалар тарбияланди<sup>45</sup>. Боғчаларда машғулотлар асосан рус тилида олиб борилди. Боғчаларда болалар сони нормадан кўп бўлиб, бир ўринга икки, уч бола тўғри келди<sup>46</sup>.

Вилоят шаҳарларида йиллар мобайнида янги мактаблар ва мавжуд мактабларда қўшимча бинолар қурилди. Талимаржонда 1970 йилда Циолковский номли 4-ўрта мактаб, Янги Нишон шаҳрида Свердлов номли 1-ўрта мактаб, 1990 йилда 5-сонли Улуғбек номли ўрта мактаб биноти қурилиб, фойдаланишга топширилган<sup>47</sup>. Ғузур шаҳридаги Пушкин номидаги 1-сонли мактабга 1982 йили 320 ўринли, 1990 йилда 422 ўринли қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди<sup>48</sup>.

Вилоятнинг айрим шаҳарларида мактаблар сони деярли кўпаймади, ўқувчилар сони ортса-да, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилмади. Масалан, Косон шаҳрида 1971-1972 ўқув йилида 9 та мактабда 6 315 ўқувчи таълим олди. 1989-1990 ўқув йилида мактаблар сони 10 тага етказилиб, ўқувчилар сони 10 200 нафарга етди, мазкур ўқув йилида ўқувчиларнинг 43,6 фоизи иккинчи сменада ўқишга мажбур бўлди<sup>49</sup>.

Шаҳарларда асосан ўзбек тилида, шунингдек, рус ва тожик тилларида таълим берадиган синфлар ҳамда мактаблар ташкил этилди, уларда ишлаётган педагогларнинг сони ҳам тўхтовсиз ортиб борди. Шаҳар мактабларида куни

<sup>42</sup> ҚВХА, 5-жамғарма, 30-рўйхат, 71-иш, 56-варақ.

<sup>43</sup> Ғузур туман давлат архиви, 8-жамғарма, 1-рўйхат, 168-иш, 14-варақ.

<sup>44</sup> ҚВХА, 8-жамғарма, 36-рўйхат, 108-иш, 71-варақ.

<sup>45</sup> Косон туман давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 280-иш, 24-варақ.

<sup>46</sup> Ғузур туман давлат архиви, 133-жамғарма, 1-рўйхат, 101-иш, 26-варақ.

<sup>47</sup> Қарши туман давлат архиви, 399-жамғарма, 1-рўйхат, 100-иш, 5-варақ.

<sup>48</sup> Ўз МА, М-26-жамғарма, 1-рўйхат, 939-иш, 57-варақ.

<sup>49</sup> Косон туман давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 280-иш, 25-варақ.



узайтирилган гуруҳлар, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ва байналминал дўстлик клублари фаолият кўрсатган<sup>50</sup>.

Қашқадарё вилояти шаҳарларида маданият уйлари ташкил этилиб, маданият уйларида ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилинган. Масалан, Қамашада «Бўстон», Бешкентда «Чўл чамани», Чирокчи шаҳрида «Олтин кўллар», «Чирокчи чироклари», Ғузур шаҳрида «Нарғиз» каби ашула ва рақс, фольклор ансамбллари ташкил этилиб, фаолият кўрсатган. Ансамбллар ўзбек халқ санъатини нафақат Иттифоқ республикаларида, балки хорижий давлатларда ҳам тараннум этиб, ютуқларни кўлга киритди.

Шаҳарларда маданият саройлари ҳам қурилди. Маданият саройларида, шаҳар марказларида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, таниқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари намойиш этилган. Масалан, 1970 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ботир Зокиров Талимаржондаги маданият саройида катта концерт қўйган<sup>51</sup>. 1979 йил давомида Қамаша шаҳар марказида 25 та концерт намойиш этилган<sup>52</sup>.

Маданият уйлари қошида кинотеатрлар фаолияти йўлга қўйилди. Йиллар давомида кинотеатрлар сони ортиб, аҳолига кино хизмати кўрсатишда қатор ўзгаришлар юз берди. Манбада келтирилишича, 1989-1990 йилларда кинотеатрлар, видеосалонлар экранини зўравонлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи хориж фильмлари эгаллади<sup>53</sup>. Улар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатди.

**«Мустақиллик йилларида вилоят шаҳарларининг ривожланиш йўллари (1991-2016 йиллар)»** номли учинчи бобнинг *биринчи параграфида* вилоят шаҳарларидаги иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар таҳлил қилинган. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят шаҳарларида уй-жойлар, саноат, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулкчиликка айлантирилди<sup>54</sup>. Бундан ташқари, фойдаланилмайдиган кўчмас мулк объектлари сотувга қўйилган<sup>55</sup>.

Мустақиллик йилларида Муборак газни қайта ишлаш заводида ишлар янги тамойиллар асосида давом эттирилди. Корхонада режалар ортиғи билан бажарилиб, маҳсулот ҳажми йилдан-йилга кўпайиб борди. 2005 йил заводда газни пропан ёрдамида совутиш йўли билан тайёрлаш мажмуи фойдаланишга топширилиб, бу бир йилда 13.6 млрд кубометр газни қуритиш имконини берди<sup>56</sup>. 2016 йил корхонада йилига 33.5 миллиард куб метр тозаланган ва қуритилган табиий газ, 417 минг тонна техник олтингугурт, 186 минг тонна барқарорлаштирилган газ конденсати, 258 минг тонна

<sup>50</sup> Шаҳрисабз туман давлат архиви, 477-жамғарма, 1-рўйхат, 5-иш, 8-варак.

<sup>51</sup> Худойкулов М. Қарши чўли. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 46.

<sup>52</sup> Ғузур туман давлат архиви, 133-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 79-варак.

<sup>53</sup> Қарши туман давлат архиви, 320-жамғарма, 1-рўйхат, 114-иш, 52-варак.

<sup>54</sup> ҚВХА, 851-жамғарма, 3-рўйхат, 2-иш, 8-варак.

<sup>55</sup> ҚВХА, 850-жамғарма, 5-рўйхат, 22-иш, 2-варак.

